

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ТРАНСПОРТ – ЛОГИСТИКА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИНИ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Журакулова Фарангиз Туракул қизи

Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультети 4-босқич талабаси

илмий раҳбар: **Исматуллаев Фарходжон Одилжонович**

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан транспорт – коммуникация, логистика соҳаларидаги ҳамкорлигини ривожланиш жараёнлари таҳлил этилган. Муаллиф ушбу алоқалар турли Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳалар доирасида амалга оширилаётганлигини манбалар асосида таҳлил этган. Шу билан бирга ушбу йўналишдаги алоқаларнинг ривожлантирилиши истиқболда икки минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий ва инвестициявий ривожланишларда ҳам муҳим аҳамият касб этиши кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: Янги Ўзбекистон, Европа Иттифоқи, Трасека, транспорт йўлаги, логистика, интеграция, глобаллашув, иқтисодий алоқалар.

INTRODUCTION

XXI асрда инсоният янги ривожланиш йўлига қадам қўйди. Глобаллашув жараёнлари тезлашиб, маданиятлараро мулоқотлар жўғрофияси кенгайди. Ва ўз навбатида ер юзида демографик вазиятнинг доимий ўсиб бориши, янги ресурс ва янги савдо йўналишларини яратиш эҳтиёжини қўймоқда. Жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатлари томонидан ушбу чақириқларга жавоб тариқасида турли лойиҳалар тақдим этилиб, унинг амалга ошириш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Жумладан, Европа қитъасидаги йигирма етти мамлакатни бирлаштирган Европа Иттифоқи томонидан ҳам иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилиши кўзланган бир нечта дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб, кўплари амалиётга самарали тадбиқ этиб келинмоқда. Ана шундай муҳим ва истиқболли дастурлардан бири бўлган

ТРАСЕКА¹ лойиҳасидир [1]. Унда Европа-Кавказ-Осиёни боғлаш учун транспорт йўлагини куриш мақсад қилинган.

RESEARCH METHODS. The research was conducted using objectivity, analysis, synthesis, comparative analysis, generalization, historical analysis, chronological methods.

RESULTS. ТРАСЕКА лойиҳаси Европа Иттифоқи томонидан Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирган давлатларга техник ёрдам кўрсатиш мақсадига йўналтирилган, бир нечта лойиҳаларни ўз ичига олган ТАСИС² дастури доирасидаги лойиҳалардан биридир [2].

Европа Иттифоқи ТАСИС дастурининг эътиборли томони яна шундаки, ушбу дастур доирасида яна бир нечта ихтисослаштирилган махсус дастурлар ҳам мавжуд. Бундай дастурларнинг Ўзбекистонда ҳам жорий қилиниши Европа Иттифоқи томонидан кўзда тутилган. Жумладан, Марказий Осиё худудидан ўтган қадимий Буюк Ипак йўлини замонавий технология асосида тиклаш мақсадида ТРАСЕКА номини олган махсус ихтисослаштирилган лойиҳа ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа 1993 йилдан ўз фаолиятини бошлади ва уни амалга ошириш учун дастлаб жами 28 млн. ЭКЮ ажратилди [3].³

Таъкидлаш жоизки, ТАСИС дастури доирасида Европа Иттифоқининг техникавий ёрдами амалга ошириш орқали “ТРАСЕКА” лойиҳасини рўёбга чиқариш, Ўзбекистон учун транспорт коммуникацияси билан боғлиқ бўлган ноқулайликларни бартараф этишда истиқболли аҳамиятга эга [4].⁴ Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти Марказий Осиё худуди орқали ўтадиган йирик транспорт йўлаклари ва йўналишлари борасида лойиҳа доирасида илгари сурилган ғоя ва таклифларни тўла қўллаб–қувватлаб келмоқда [5].⁵ Негаки, бу лойиҳа Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Грузия худуди орқали Қора денгиз бандаргоҳларига олиб чиқадиган Транскавказ магистралини вужудга келтиришни назарда тутди [6].⁶

¹ Агар ушбу лойиҳанинг пайдо бўлиш тарихига назар ташласак, 1993 йил майда Европа комиссияси томо-нидан ТРАСЕКА лойиҳаси Брюсселда олға сурилган. Форумда 8 давлат: Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Ўзбекистон иштирок этган. Бу транспорт йўлини бунёд этиш Марказий Осиё ва Кавказ давлатларининг иқтисодий ва сиёсий мустақилигини қўллаб-қувватлаш, Европа ва жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини кенгайтиради – муаллиф.

² ЎзР МДА. Фонд – м-2, рўйхат – 1, жилд – 169, варақ – 37.

³ Европейская Комиссия: Программа ТАСИС: годовой. отчет за 1996 год: Европейская Комиссия, Брюссель, 1997. – 46 с.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Европа Иттифоқи савдо – иқтисодий алоқалари тўғрисидаги маълумот. 5-варақ.

⁵ Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 347.

⁶ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 274.

ТАСИС ТРАСЕКА дастури Марказий Осиёни Каспий денгизи орқали Кавказ ва Европа билан бирлаштирувчи транспорт коридорини ташкил этиш мақсадида тузилиб, 9 та йўналишда йўллар қуриш режалаштирилди. Унда автомобиль, темир йўл, денгиз транспорти ва савдо масалаларини ҳал этиш кўзда тутилди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун жанубда – Эрон, шарқда – Хитой, ғарбда – Европа билан эркин транзит алоқа қилиш учун кенг имкониятларни юзага келтирди [7].¹ Ҳозирда эса республика орқали 20 та халқаро маршрут йўналишлари ўтган [8].²

Маълумки, Ўзбекистон пахта сотиш бўйича жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. Марказий Осиё давлатларини Эрон ва Туркия бандаргоҳлари орқали Италияга, ундан Европа ва дунё бозорларига олиб чиқувчи янги ТРАНС – ОСИЁ йўналишида Тажен–Серахс–Машҳад темир йўлининг 1996 йил 13 майда ишга туширилиши, бу борада қўлга киритилган жиддий муваффақиятлардан бири бўлди. Бевосита Ўзбекистон иштирокида бунёд этилган бу йўл Транс–Сибир магистралига нисбатан қулай бўлиб, 1500 км га яқиндир [9].³

Қозоғистон, Туркманистон ва Озарбайжон орқали Грузиянинг Поти ва Ботуми бандаргоҳларига чиқиб борадиган транспорт йўналишининг ишга туширилиши Ўзбекистон учун, шу жумладан, Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар учун ҳам дунё бозорига элтувчи яна бир қулай воситани юзага келтирди. Мазкур бандаргоҳлар Қора денгиз орқали дунё бозорига, темир йўллар орқали Ғарбий Европага, Босфор бўғози орқали Ўрта ер денгизига, ундан Атлантика океанига чиқиш имконини яратди.

Европа Иттифоқининг ТАСИС ТРАСЕКА дастурининг самарасини 1996 йилга келиб, Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларида узоқ хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги 74 % ни ташкил этганидан ҳам кўриш мумкин. ТРАСЕКА дастури асосида қурилган йўллар ҳамкорликка ва умумтараққиётга хизмат этмоқда. Ўзбекистоннинг биргина Транскавказ (Тошкент–Ашхобот–Бандер–Аббос) йўналиши бўйича Форс кўрфази орқали олиб ўтган экспорт-импорт юклари ҳажми 1996 йили 140 минг тоннани ташкил этган бўлса, кейинги йилда бу кўрсаткич 285 минг тоннага етгани юқоридаги фикрнинг далилидир [10].⁴ Ушбу йўл очилгандан сўнг токи 1998 йил сентябригача Ўзбекистон билан экспорт– импорт муносабатларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида 470 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги 660 минг тонна эҳтиётжалаб юклар ташилган. Шу маънода транспорт– коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга

¹ Ўзбекистан – ТАСИС: результаты и перспективы // Народное слово. – 1997. – 1 июль.

² Абатуров В. Транспортная архитектура Азии // Экономическое обозрение. – 2007. – № 11–12. – С. 36–44.

³ Ўзбекистон ва жаҳон // Ўзбекистон овози. – 2002. – 13 январь.

⁴ Гусаков. В. Украина и Центральная Азия // Новая и новейшая история. – М., 1999. – № 6. – С. 43–45.

ошириш, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади [11].¹

Ушбу лойиҳа доирасидаги ишларни хронологик таҳлил ва алоқалар динамикасини кузатар эканмиз, маълум бир даврларда қисқа турғунлик ҳолатларини ҳисобга олмаганда изчиллик асосида олиб борилаётганини кўришимиз мумкин.

ТРАСЕКА йўлагининг мамлакатлар учун жозибadorлиги, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва транспортни ривожлантиришга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни исботини 2015 йилгача мўлжалланган ТРАСЕКА Халқаро стратегиясини амалга ошириш муддати тугаганидан сўнг, Европа Иттифоқи ва бошқа ҳамкор давлатлар томонидан ТРАСЕКА мамлакатлари Европа-Кавказ-Осиё йўллари ривожлантириш бўйича янги дастурни ишлаб чиқилганида кўрамиз.

Бугунги кунга келиб, ТРАСЕКАга аъзо давлатлар “ТРАСЕКА 2016-2026 йил”га мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиб, босқичма-босқич амалга оширмоқдалар.

Ушбу ўн йилга мўлжалланган стратегияни амалга оширишда, Ўзбекистон томони ҳам иштирок этмоқда. Чунки ушбу транспорт коридорининг рақобатбардошлиги ва жозибadorлигини ошириш, ташқи савдони янада либераллаштиришга ва бутун транспорт йўлаги бўйлаб товарларнинг ҳаракатланишидаги тўсиқларни камайтиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида юртимиз иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир қилади.

Ўзбекистон транспорт вазирлиги ТРАСЕКА "Европа-Кавказ-Осиё" транспорт йўлакчасини рақамлаштириш ва логистикасини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларни ҳам қўллаб-қувватлашини билдирган [12].²

Ушбу масала 2020 йил 2 мартда Тошкентда ўтказилган учрашувда, Ўзбекистон транспорт вазирлиги мутасаддилари ва ТРАСЕКА бош қотиби Ассет Асавбайев ТРАСЕКА рақамлаштириш коридорида амалга оширилаётган лойиҳаларда республиканинг иштироки масалаларини муҳокама қилдилар [13].³ Рақамлаштириш доирасига транспорт хавфсизлигини таъминлаш, чегараларни кесиб ўтиш тартибини такомиллаштириш, логистика марказлари ва портларни оптималлаштириш ва чегараларни назорат қилишнинг яхлит тизимидан фойдаланиш киради.

¹ Абатуров В. Европейский прицел // Экономическое обозрение. –2007. – № 4. – С. 27–31.

² <https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/03/traceca/>

³ <https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/03/traceca/>

2017 йил декабр ойида Ўзбекистон ҳукумати Кавказ ва Туркия орқали Европа мамлакатларига транзит йўлларини ривожлантиришга эътибор берадиган 2018-2022 йилларда юкларни ташиш бўйича ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш дастурини тасдиқлади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ичида транспорт-инфраструктура коммуникацияларини ривожлантириш, транзит йўлакларини тизимини яратиш, мавжуд йирик халқаро ҳамда истиқболли бозорларга олиб чиқадиган янги ва самарали йўналишларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қартилаяпти. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹ ва 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда транспорт-логистика инфраструктурасини рағбат топтириш учун фаол инвестициявий сиёсат олиб бориш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган². Шу нуқтаи назардан, “Бир макон, бир йўл” лойиҳасида иштирок этиш мамлакатимизнинг стратегик мақсадларини рўёбга чиқаришда катта имконият яратади[14].³

2021 йил 25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа Иттифоқининг Европа комиссияси вице-президенти Маргаритис Схинас бошчилигидаги делегацияни қабул қилди[15].⁴ Мулоқотда икки томонлама алоқларни ривожланиш ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Шу билан бирга таълим, хавфсизлик соҳаларида, терроризм ва наркотрафикка қарши курашиш борасида муҳим қўшма дастурлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Европа комиссиясининг техникавий кўмагида бизнес ва туризмни ривожлантириш, транспорт логистикаси, чегараларни бошқариш, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда 35 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

¹ [Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон 07.02.2017. \(lex.uz\)](#)

² [Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон 07.02.2017. \(lex.uz\)](#)

³ Тўраева Д. Мамлакатлар ва халқларни бирлаштирадиган ташаббус // Халқ сўзи. – 2017. – 29 июнь.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Европа Иттифоқи делегациясини қабул қилди // Халқ сўзи. – 2021. – 26 ноябрь.

CONCLUSION

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси қарийб ўттиз йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтмоқда. Бу йиллар рақамларда жуда қисқа давр саналсада аммо, амалиётда улкан зафарларни кўлга киритди. Халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар юқори баҳоланмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида, ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришни бош масала сифатида кўйди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш ва айниқса, иқтисодиётни либераллаштириш соҳасидаги ислоҳотлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, Ўзбекистон жаҳондаги энг тез ривожланаётган ўнта давлатни бири сифатида тан олинди.

Учинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яна бир устувор йўналиши бу – Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантиришдир. Сўнги йилларда ушбу ташкилот билан турли соҳаларда, жумладан транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш борасида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Чорак асрдан ортиқ вақт давомида ушбу алоқалар ўзининг ижобий самарасини бериб, ушбу транспорт йўлаги орқали Ўзбекистон маҳсулотлари жаҳон мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Тўрттинчидан, Трасека лойиҳаси Осиё давлатларини Кавказ орқали Европа минтақаси билан транспорт йўлаги орқали боғлашга хизмат қилмоқда. Ушбу транспорт йўлагини янада ривожлантириш ва жозибадорлигини оширишга хизмат қиладиган янги лойиҳалар устида ишлар давом этмоқда.

REFERENCES

1. Европейская Комиссия: Программа ТАСИС: годовой. отчет за 1996 год: Европейская Комиссия, Брюссель, 1997. – 46 с.
2. ЎЗР МДА. Фонд – м-2, рўйхат – 1, жилд – 169, варақ – 37.
3. Европейская Комиссия: Программа ТАСИС: годовой. отчет за 1996 год: Европейская Комиссия, Брюссель, 1997. – 46 с.
4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги жорий архиви. Ўзбекистон Европа Иттифоқи савдо – иқтисодий алоқалари тўғрисидаги маълумот. 5-варақ.
5. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 347.

6. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 274.
7. Узбекистан – ТАСИС: результаты и перспективы // Народное слово. – 1997. – 1 июль.
8. Абатуров В. Транспортная архитектура Азии // Экономическое обозрение. – 2007. – № 11–12. – С. 36–44.
9. Ўзбекистон ва жаҳон // Ўзбекистон овози. – 2002. – 13 январь.
10. Гусаков. В. Украина и Центральная Азия // Новая и новейшая история. – М., 1999. – № 6. – С. 43–45.
11. Абатуров В. Европейский прицел // Экономическое обозрение. – 2007. – № 4. – С. 27–31.
12. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/03/traceca/>
13. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/03/traceca/>
14. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон 07.02.2017. (lex.uz)
15. [Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон 07.02.2017. \(lex.uz\)](https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/03/traceca/)
16. Тўраева Д. Мамлакатлар ва халқларни бирлаштирадиган ташаббус // Халқ сўзи. – 2017. – 29 июнь.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Европа Иттифоқи делегациясини қабул қилди // Халқ сўзи. – 2021. – 26 ноябрь.
18. Ismatullayev, F. O. (2022). SOME ASPECTS OF UZBEKISTAN'S COOPERATION WITH THE EUROPEAN UNION IN THE FIELD OF TRANSPORT AND LOGISTICS. International Journal Of History And Political Sciences, 2(07), 9-13.
19. Исматуллаев, Ф. О. (2022). ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-1).